



ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЙ БОЙЛИКЛАР ҚИЙМАТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Караев Мансур Юлдашевич

Хусусийлаштириш ва давлат

активларини бошқариш

муаммоларини тадқиқ этиш

маркази катта илмий ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21532585>

ARTICLE INFO

Received: 1st July 2026

Accepted: 2nd July 2026

Published: 24th July 2026

KEYWORDS

маданий бойликлар,
тарихий бойликлар, баҳолаш
фаолияти, меъёрий-ҳуқуқий база,
баҳолаш стандартлари, халқаро
баҳолаш стандартлари,
активлар бозори, баҳолаш
хизматлари бозори, маданий
бойликларни олиб чиқиш ва олиб
киришни тартибга солиш,
маданий бойликларни баҳолаш,
баҳолаш методологияси,
Ўзбекистоннинг тарихий
марказлари, илмий асосланганлик,
маълумотларнинг ишончилиги,
баҳолаш методикаси.

ABSTRACT

Маданий бойликлар қийматини баҳолаш масалалари кўриб чиқилган; Ўзбекистон халқларининг миллий, тарихий, бадиий, илмий-маърифий, маънавий-ахлоқий маданиятини ифодаловчи предметларнинг аҳамияти кўрсатилган; маданий бойликларни баҳолашдаги қуйидаги муаммолар очиб берилган: баҳолаш методологиясининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги; маданий бойликлар бозорининг ёпиқлиги; галереяларда нарх белгилашнинг шаффоф эмаслиги; бозорда қўлаб қалбаки маҳсулотларнинг муомалада бўлиши; аутентификация ва экспертиза ўтказишдаги қийинчиликлар; маданий бойликлар айланмасини ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг бошқа шахсга берилишини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базадаги бўшлиқлар.

Ўзбекистон Республикасининг «Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, маданий бойликлар – моддий дунёнинг миллий, тарихий, бадиий, илмий-маърифий, маънавий-ахлоқий ва бошқа маданий аҳамиятга молик кўчар ашёлари.

Қуйидагилар мазкур Қонуннинг таъсири остида бўлади:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан яратилган маданий бойликлар;

чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яратилган маданий бойликлар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида топилган маданий бойликлар;

музейларда, ахборот-кутубхона муассасаларида, архивларда, идоравий архивларда, кино-, фото-, фонотекаларда, суратлар галереяларида ва бошқа сақлаш жойларида тўпланган маданий бойликлар;

қайси давлатларга мансуб бўлса, ўша давлатларнинг ваколатли органлари розилиги билан археологик, этнологик ва табиий-илмий экспедициялар томонидан қўлга киритилган маданий бойликлар;

ихтиёрий равишда айирбошлашлар натижасида олинган маданий бойликлар;

қайси давлатларга мансуб бўлса, ўша давлатларнинг ваколатли органлари розилиги билан мерос, ҳадя сифатида олинган ёки қонуний қўлга киритилган маданий бойликлар;

чет эллик юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилатилган маданий бойликлар.

Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилишини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси амалга оширади.

Маданий бойликлар тушунчаси ғоят кенг. Маданий бойликларни мамлакатнинг жамиятга ва унинг маданий ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатадиган миллий бойлиги дея таърифлаш мумкин.

Маданий бойликлар жумласига қуйидагилар кириши мумкин:

- тарихий қадриятлар, шу жумладан мамлакат ҳаётидаги тарихий воқеалар, жамият ва давлат ривожланиши, фан ва техника тарихи билан боғлиқ бўлган, шунингдек, атоқли шахслар (давлат, сиёсий, жамоат арбоблари, мутафаккирлар, фан, адабиёт, санъат арбоблари) ҳаёти ва фаолиятига тааллуқли ашёлар;
- Ўзбекистон халқларининг археологик ашёлари (тарихий ва маданий ёдгорликлар);
- бадий бойликлар, шу жумладан:
- қўлда ишланган расмлар ва суратлар;
- асл ҳайкалтарошлик асарлари;
- асл бадий композициялар ва монтажлар;
- сиғиниш мақсадидаги бадий безатилган ашёлар, хусусан иконалар;
- ўйма нақшлар, эстамплар, литографиялар ва уларнинг оригинал босма шакллари;
- амалий-декоратив санъат асарлари, шу жумладан шиша, лой, ёғоч, металл, суяк, мато ва бошқа материаллардан ишланган бадий буюмлар;
- анъанавий халқ бадий хунармандчилиги буюмлари;
- архитектура, тарих, бадий ёдгорликлар ва монументал санъат ёдгорликларининг таркибий қисмлари ва парчалари;
- алоҳида ёки коллекциядаги қадимий китоблар, шунингдек, тарихий, илмий-бадий, адабий аҳамиятга эга бўлган матбаа асарлари;
- нодир қўлёзмалар ва ҳужжатли ёдгорликлар;
- архивлар, шу жумладан фото-, фоно-, кино-, видеоархивлар;
- ноёб мусиқа асбоблари;
- алоҳида ёки коллекциядаги почта маркалари, бошқа филателия материаллари;
- қадимий тангалар, орденлар, медаллар, муҳрлар ва коллекциялашнинг бошқа ашёлари;
- ноёб коллекциялар ва флора ҳамда фауна намуналари, илм-фаннинг минералогия, палеонтология, анатомия каби тармоқлари учун аҳамиятли бўлган ашёлар;
- бошқа кўчар буюмлар, шу жумладан, тарихий, илмий-бадий ёки бошқа маданий аҳамиятга эга бўлган, шунингдек, давлат томонидан тарихий ва маданий ёдгорлик сифатида муҳофазага олинган нусхалар.

Ҳозирги вақтда маданий бойликларни баҳолаш билан антикварлар, музей ходимлари, божхона хизматлари, галереялар ва кўргазмалар, аукционлар экспертларидан тортиб то профессионал баҳоловчиларгача бир қатор мутахассислар шуғулланади. Юқорида санаб ўтилган барча мутахассислар маданий бойликларнинг бозор қиймати тушунчасини турлича тушунишади.

Маданий бойликларни баҳолашнинг асосий муаммолари қуйидагилардан иборат: баҳолаш методологиясининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги; маданий бойликлар бозорининг ёпиқлиги; галереялардаги шаффоф бўлмаган нархлар; бозорда қўплаб сохта ашёларнинг муомалада бўлиши; аутентификация ва экспертизани ўтказишдаги қийинчиликлар; маданий бойликлар айланмасини ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг бошқа шахсга берилишини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базадаги бўшлиқлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги ПФ-111-сон «Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2024 йил 23 августдаги 331-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш маркази Ўзбекистон Республикасининг ягона миллий баҳолаш стандартига 15-сон МБС «Маданий бойликлар қийматини баҳолаш» Миллий баҳолаш стандарти ва унинг методикаси кўринишида қўшимчалар киритиш лойиҳасининг илмий жиҳатдан асосланганлиги экспертизасини ўтказди.

Ушбу лойиҳани ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги ПҚ-4381-сон «Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосий ҳужжат бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги олдида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар энг яхши хорижий амалиётни ҳисобга олган ҳолда, баҳолашнинг халқаро стандартлари тамойиллари асосида, мулкчилик шаклидан қатъи назар объектларни баҳолашнинг ягона миллий стандартларини тасдиқлаш чораларини кўриш вазифаси қўйилди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан халқаро маслаҳатчилар, баҳолаш ташкилотларининг профессионал жамоат бирлашмалари, республиканинг баҳолаш фаолияти соҳасидаги етакчи мутахассисларини жалб қилган ҳолда янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг Ягона миллий баҳолаш стандарти»ни ишлаб чиқди ва у Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 28 декабрда 3487-сонли рақам билан рўйхатга олинган. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг ягона миллий баҳолаш стандартида маданий бойликлар қийматини баҳолашга бағишланган бўлим мавжуд эмас.

Юртимиз ўзининг бой тарихи ва маданий мероси туфайли муболағасиз жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири ҳисобланади. Музейларда мамлакатимиз тарихи, маданияти ва санъатига оид қадимий топилмалар сақланмоқда.

Ўзбекистонда ЮНЕСКО Жаҳон мероси рўйхатига киритилган бир қатор объектлар, жумладан, Темурийлар даврининг ажойиб ёдгорликлари билан машҳур бўлган Бухоро, Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий марказлари, Хива ички қалъасидаги Ичан қалъа ноёб шаҳарсозлик мажмуалари, тарихий шаҳар Самарқанд ва бошқа объектлар мавжуд. Ўзбекистоннинг номоддий мероси анъанавий билимлар, ҳунармандчилик маҳсуллари билан намоён этилган.

2023 йилда Тошкентда турли йилларда ижод қилган Ўзбекистон рассомларининг асарларини сотувга қўйиш учун биринчи аукцион уйи очилди.

2024 йилда Ўзбекистон Маданий бойликларни асраш ва тиклаш халқаро тадқиқот марказига (International Centre for the Study of the Preservation and Restoration of Cultural Property – ICCROM) аъзо бўлган 138 та давлат қаторидан жой олди.

Илмий нуқтаи назардан, стандартлар бозорнинг мавжуд объектив эҳтиёжларини акс эттириши ва амалиётчи баҳоловчиларга баҳолаш объектини аниқ баҳолаш учун стандартни қўллашни осонлаштириш учун илмий асосланган бўлиши лозим. Илмий жиҳатдан асосланганлик қуйидагилар билан белгиланади: биринчи навбатда, фойдаланиладиган маълумотларнинг ишончлилиги; тадқиқот принциплари ва усулларининг тадқиқот объектига мос келиши; таклиф этилаётган муаммони ҳал қилиш вариантларининг назарий жиҳатдан асосланганлиги (назарий ва амалий қисмларнинг мантиқий ўзаро боғлиқлиги (баҳолаш методикаси), муайян ҳал қилиш вариантларининг амалиётда қўллаш мумкинлиги (апробацияси).

Маданий бойликлар қийматини баҳолаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг илмий жиҳатдан асосланганлиги принципи деганда шундай асосий қоида тушунилиши керакки, унга кўра баҳоловчилар томонидан баҳолаш фаолияти соҳасидаги илмий тафаккурнинг халқаро баҳолаш стандартларида ва энг янги хорижий баҳолаш амалиётларида акс эттирилган замонавий илғор ютуқларидан фойдаланилиши зарур.

Санъат асарларини баҳоловчи ташкилотлар томонидан баҳолаш усулларининг мавжуд эмаслиги туфайли Ўзбекистонда бадий асарлар бозори ривожланмаган.

Юқорида баён этилганлар замирида, «Маданий бойликлар қийматини баҳолаш» миллий стандарти ғоят долзарбдир.

«Маданий бойликлар қийматини баҳолаш» Миллий баҳолаш стандарти лойиҳаси барча белгиланган талабларга мос келади.

Мазкур лойиҳа халқаро баҳолаш стандартларининг тузилмаси ва асосий принципларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, ЯМБСнинг мантиқий ривож ҳисобланади.

«Маданий бойликлар қийматини баҳолаш» Миллий баҳолаш стандарти баҳолаш объектлари сифатида маданий бойликлар қийматини баҳолаш жараёнига қўйиладиган асосий талабларни, шунингдек ушбу жараённинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

Ушбу стандарт таъсири остида бўладиган баҳолаш объектлари атрофлича белгиланган бўлиб, улар жумласига маданий бойликлар ва улар билан боғлиқ мулк ҳуқуқлари, хусусан қуйидагилар киради:

а) тарихий қадриятлар, шу жумладан халқлар ҳаётидаги тарихий воқеалар, жамият ва давлат ривожланиши, фан ва техника тарихи билан боғлиқ бўлган, шунингдек, атоқли шахслар (давлат, сиёсий, жамоат арбоблари, мутафаккирлар, фан, адабиёт, санъат арбоблари) ҳаёти ва фаолиятига тааллуқли ашёлар

б) археологик қазилмалар натижасида олинган ашёлар ва уларнинг парчалари;

в) бадий бойликлар, шу жумладан:

ҳар қандай асосда ва ҳар қандай материаллардан қўлда ишланган расмлар ва суратлар;

ҳар қандай материаллардан ишланган ҳайкалтарошлик асарлари;

ҳар қандай материаллардан ишланган асл бадий композициялар ва монтажлар;

босма графика асарлари, шу жумладан барча турдаги ўйма нақшлар, уларнинг излари ва асл босма шакллари, шунингдек фотосуратлар (босма излар, негативлар ва барча турдаги бошқа дастлабки материаллар);

барча турдаги декоратив-амалий санъат асарлари, шу жумладан мебель, интерьер ва маиший буюмлар, заргарлик ва қурол-аслаҳа санъати, анъанавий халқ бадий ҳунармандчилиги буюмлари, ёғоч, металл, тош, лой, шиша, мато, суяк ва бошқа материаллардан ишланган костюмлар;

сиғиниш мақсадидаги бадий безатилган ашёлар;

архитектура ва монументал санъат ёдгорликларининг бадий жиҳатдан аҳамиятли парчалари (қисмлари);

алоҳида ёки коллекциядаги китоблар ва бошқа матбаа нашрлари, шу жумладан, тарихий ва бадиий аҳамиятга эга бўлган ҳамда коллекциялаш ашёлари эълонлар, реклама плакатлари ва ҳ.к.;
нодир қўлёзмалар ва ҳужжатли ёдгорликлар;
архивлар, шу жумладан фото-, фоно-, кино - ва видеоархивлар;
ноёб мусиқа асбоблари;
алоҳида ёки коллекциядаги почта маркалари, бошқа филателия материаллари;
қадимий тангалар, орденлар, медаллар, муҳрлар ва коллекциялашнинг бошқа ашёлари;
ноёб коллекциялар ва флора ҳамда фауна намуналари, илм-фаннинг минералогия, палеонтология, анатомия каби тармоқлари учун аҳамиятли бўлган ашёлар;
г) бошқа кўчар буюмлар, шу жумладан, тарихий, илмий-бадиий ёки бошқа маданий аҳамиятга эга бўлган, шунингдек, давлат томонидан тарихий ва маданий ёдгорлик сифатида муҳофазага олинган нусхалар;
д) тарихий, бадиий, илмий ёки бошқа маданий аҳамиятга эга бўлган, шунингдек давлат томонидан тарихий ва маданий ёдгорлик сифатида муҳофазага олинган ва маданий мерос рўйхатига киритилган кўчмас мулк объектлари.
Баҳолашга нисбатан ёндашувларни қўллаш масалалари атрофлича ишлаб чиқилиб, маданий бойликларнинг қийматини баҳолашнинг батафсил методикаси тақдим этилган.
Маданий бойликлар қийматини баҳолаш стандарти ва унинг методикасининг амалиётга жорий этилиши баҳоловчиларнинг Ўзбекистон Республикаси маданий мероси объектларини баҳолашнинг сифати ва уларни баҳолаш бўйича ҳисоботларнинг тўғрилигини экспертизадан ўтказиш учун жавобгарлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Бу, шунингдек, мамлакатимизда асосий принциплар, атамалар, таърифларнинг жаҳон стандартлари даражасида бир хил тарзда талқин қилинишини таъминлашга, қиймат турларидан фойдаланиш, баҳолаш ёндашувлари ва усуллари қўллаш, маданий бойликларни баҳолаш бўйича якуний ҳисоботини тузишга имкон беради.

Фойдаланилган манбалар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида» 1999 йил 19 августдаги 811-1-сон Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 678-1-сон «Маданий бойликларнинг олиб чиқиши ва олиб кирилиши тўғрисида»ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 июлдаги ПҚ-4381-сон «Баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда паст рентабелли ва фаолият юритмаётган давлат иштирокидаги корхоналарни сотиш механизмларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 16 августдаги ПФ-111-сон «Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш, сифати ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
5. Ўзбекистон Республикасининг Ягона миллий баҳолаш стандарти (2023 йил 30 декабрь, рўйхат рақами 3487).
6. Международные стандарты оценки (МСО). Редакция 2022 г. Москва, перевод РОО;
7. Нежданова-Байковская А. В. Проблемы оценки стоимости объектов культурного наследия: от вопросов совершенствования методологии до разработки алгоритма их вовлечения в гражданский оборот», журнал «Экономика, предпринимательство и право», 2023 год.
8. Пузыня М.Ю., Локтионов А.Н., Михлин А.В. Вопросы оценки культурных ценностей.

Имущественные отношения в Российской Федерации, №3, 2012 г.



INNOVATIVE
ACADEMY